



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 7 август № 163 (3438)

Шанба

## Эл саломатлиги уйида



Наманган вилоятида тиббиёт соҳасини такомиллаштириш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда марказий туғруқхона негизда Республика акушерлик ва геникология илмий-текшириш институтининг филиали иш бошлади.

Янги саломатлик масканининг бунёд этилишида ва уни замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлашда вилоят ҳокимлиги бош-қош бўлди.

Таъкидлаш керакки, эндиликда бу ерда она-бола саломатлигини таъминлашнинг янги қирралари юзга келиб, тажриба, амалий муолажа ва назариясини бир-бирига боғлаб олиб бориш туфайли экстрагенитал хасталигини самарали даволаш, чақалоқларни кенг қамровли муҳофаза қилиш имкониятлари кенгайди. Шунингдек, тиббий таҳлил, даволаш, жарроҳлик хоналарига ўрнатилган сўнгги нусхадаги таъхис ускуналари беморнинг касалини тезда аниқлашга ёрдам бермоқда.

СУРАТЛАРДА: институтнинг Наманган филиали ташқи кўриниши; 1-акушерлик бўлими мудир, олий тоифали акушер-гениколог Дурдона Машраббоева.

Х. МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



## Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига МУРОЖААТ

2004 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикасида содир этилган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабар бизни каттиқ газабга солди.

Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитасининг барча аъзолари номидан Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига, қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз, жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишини тилаймиз.

Биз бу жинойи ҳаракатларни кескин қоралаймиз. Дўст Ўзбек халқи билан ҳаммаша ҳамкор ва ҳамжиҳатимиз, Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримовнинг халқаро террорчиликнинг барча шакл ва кўринишларига қарши курашдаги принципиал позициясини қўллаб-қувватлаймиз.

Таро АСО,  
Япониянинг Ўзбекистон билан  
ҳамкорлик кўмитаси раиси

### ЎЗА ШАРҲИ

2004 йилда Японияда Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитаси тузилди. Унга Япониянинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий доираларининг энг нуфузли вакиллари, жумладан, Парламент депутатлари, вазирлар, етакчи банкирлар ва корпорациялар раҳбарлари, таниқли таълим, фан, маданият ва санъат арбоблари кирган.

Ўзбекистонда ҳам Япония билан ҳамкорлик кўмитаси ташкил этилган. 2004 йил июлда Токиода иккала

кўмитанинг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ҳамда бу ҳақда тегишли Меморандум имзоланди.

Қўшма мажлисда Япония кўмитасининг фахрий президенти, собиқ Бош вазир Й.Мори ва кўмита раиси, Парламент депутати, Япония ҳукумати вазири Т.Асо Япония Ўзбекистон-

дан бошқа дунёнинг бирон-бир мамлакати билан бундай кўмита ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Бу япон халқи ва жамоатчилигининг ўзбек халқига юксак ҳурматининг эътирофи бўлиб, Президент Исрол Каримов томонидан ислохотларни жадаллаштириш, Ўзбекистон суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлашга бўлган иштироки ифодасидир.

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Назолат УСМОНОВА). "Туркистон" саройида қурувчиларнинг аънавий касб байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қурувчилар, муҳандислар, соҳа фахрийлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

## ҚУРУВЧИЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Файзуллаев мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда шаҳарсозлик, қуриш ва меъморлик тобора ривожланиб, соҳага замонавий технологиялар, хорижий сармоёлар кенг жалб этилаётган. Қурувчиларимиз мамла-

катимиз мустақиллигининг 13 йиллиги байрамига юртимиз кўрмига кўрк қўшадиган янги иншоотлар, турар жой бинолари, раво йул ва кўприклар, таълим, спорт ва тиббиёт муассасалари туғфа этмоқдалар.

Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти кечага алоҳида файз бағишлади.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

## Истиқлолимиз хорижликлар нигоҳида

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги тобора яқинлашиб келмоқда. Хўш, ўтган йиллар давомида нималарга эришдик, нималарга ҳали улгурмадик. Олдимизда яна қандай вазифалар турибди? Ютуқларимизни дўстларимиз қандай баҳоламоқда? Хорижликларнинг юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги фикрлари қандай? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида бугундан бошлаб юқоридики руҳи остида мақола ва суҳбатлар бериб бораемиз. Унда мамлакатимизга келган чет эллик меҳмонлар, Ўзбекистондаги хорижлик элчилар, дипломатик корпуслар вакиллари фикрларини ўқийсиз. Бугунги суҳбатдошимиз Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Жан Бернар АРТ.



## Қалби қуёшидек ҳароратли

— Мухтарон элчи жаноблари! Маълумки, Франция Ўзбекистоннинг Европадаги энг яқин ҳамкорлари бири. Икки томонлама алоқаларнинг бугунги аҳволини Сиз қандай баҳолайсиз?

— Аввало, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган террорчилик муносабати билан Франция ҳукумати номидан ҳамдардлик билдираман. Биз ҳам террор жабрини тортиб кўрганмиз. Франция терроризмининг барча кўринишларини қоралайди. Террорчилик ҳаракатлари ҳаммаша тинч аҳолига қаратилган бўлади. Ҳеч қандай кураш, қандай мақсадни кўзла-масин террорни оқлашга асос бўлмайди.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги муносабатларга тўхта-ладиган бўлсам, у жуда яхши ривожланиб бормоқда. Давлатларимиз раҳбарлари, шунингдек, ташқи ишлар вазирларимиз бир неча марта ўзаро учрашдилар. Икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга доир бир қанча шартнома ва ҳужжатлар имзоланган. Биз, албатта, ушбу алоқаларни яна ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Франция дунёдаги кескинлик тезроқ бартараф этилиб, тинчлик барқарор бўлишини истайди. Бунга жаҳон давлатлари ўртасида ҳамкорлик ва интеграцияни ривожлантириш туфайлигина эришиш мумкин.

Нафақат ҳукуматларимиз, балки ўзбек ва француз халқи ўртасида ҳам яқин алоқалар ўрнатилгани бизни жуда қувонтиради. Кейинги йилларда Ўзбекистонга Франциядан жуда кўп сайёҳлар келяпти. Шунингдек, қўллаб-қувватловчи ўқитувчилари, илм-фан арбоблари, ишбилармонлар ҳам юртингизга ташриф буюрмоқда. Улар биз билан суҳбатда ўзбек халқининг меҳмондўстлигини хайратга тушаётганликларини тўққинлашиб гапириб беришмоқда. Франциялик ишбилармонлар ҳам Ўзбекистон заминига уларга яратилган шароитдан хурсанд. Шунинг учун, алоқаларини кўнгилдагидек ривожлантиришга дейишга менда барча асослар бор ва бундан буён ҳам икки халқ ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш учун албатта маълум вақт керак. Бундан ташқари, белгилаб олинган ислохотларни изчил амалга ошириш зарур. Энг асосийси, одамларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш лозим. Шунда ислохотларни амалга ошириш тезлашади.

— Яқин кунларда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлайди. Сизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик?

— Менинг Ўзбекистонга келганимда бор-йўғи икки ой бўлди. Илгари мамлакатингизда бўлмаганман. Шунга қарамай, жуда катта ўзгаришларни кўрдим. Қўллаб-қувватловчи қурилушларнинг гувоҳи бўлдим. Мамлакатингиз яна ҳам тез ривожланиши учун албатта маълум вақт керак. Бундан ташқари, белгилаб олинган ислохотларни изчил амалга ошириш зарур. Энг асосийси, одамларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш лозим. Шунда ислохотларни амалга ошириш тезлашади.

Ўзбекистон жуда катта табиий бойликларга эга ўлка. Бундан ташқари, халқингиз ниҳоятда меҳнатқам. Қалби қуёшидек ҳароратли. Ўзбекистонда тажрибали муҳандислар, техника илми билимдонлари, олимлар, тажрибали ишчилар

(Давоми 3-бетда).

## Чиранган чирт узилар...

Халқ қояга ўшайди. Халқ пўлат қўлга, пўлат панжага ўшайди. Узилар ногорасига ўйнаётган, эл иродасига қарши борган кимсаларнинг бошини ана шу қоя янчиб тошлайди. Пўлат панжалор эса маҳдудларни қафтига олиб шундай қисодини, бутун борлиғи чил-парчин бўлади.

Фарзандлар камолини, юрт кела-

жанин кўнглига тугиб, ана шундай гўзал орзулар билан яшаётган одамларимиз учун тинчликдан ўзга матлабу мақсад йўқ. Юртбошимиз «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» деган пурҳикмат гапни бежиз айтмадилар. Ҳўшёрлигимиз, жипслигимиз, шаҳару кишлоқда зийрак бўлиб яшашимизнинг ўзи терроризм аталмиш

балога қарши қўйилган метин қалқондир.

Ҳа, чиранган чирт узилар деб беҳудага айтишмайди, халқ нафрати бундай бузғунчиликни шармандаю-шармисор этаверади.

Ҳудойберди ҚОДИРОВ,  
Гулистон тумани, Ҳамид  
Олимжон номли ширкат ҳўжалиги  
фермери.

## ҲАВАС, ҲАСАД ВА НАФРАТ

Ҳавас қилиб яшайдиган замон ҳам келаркан-ку ахир, деб қолди бир танишим. — Қаранг, юртимизда қандай ишлар бўлаяпти. Эҳ-ҳе... Қўриб ҳавасинг келади. Яхши ишларни кўрганда ҳавас қилиш учун ҳам одамзотнинг юраги тоза бўлиши керак. Агар юрак тоза бўлса, яхши нарсасга, яхши ишга, яхши одамга ҳавасингиз келиши, табиий. Ҳавас деганларни асли нима ўзи? Ҳасад-чи? Нимага бировнинг ҳаваси келган нарсасга, бошқанинг ҳасадни келади? Ҳеч шу ҳақда уйлаб кўрганмисиз?

Ҳавас қачон пайдо бўлади? Нафрат-чи? Ҳасад-чи? Жавоб беришга шоянда қийин. Уйланг. Масалан, Тошкентдаги эки Бухородаги портлашларни содир қилганликда айбланиб, панжарга ортида, қора курсида сўлжайиб ўтирганларга кимнинг ҳаваси келади? Ҳеч кимнинг! Аксинча, нафратланиши табиий. Нега?

Телевизорда шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳақида кўрсатув берилди.

— Ўзбекларнинг кимлиги-ю нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйди-да, — деди қизим уни кўра туриб. — Агарда чирочилик Сарвиноз Эргашевага ҳам шундай эътибор бўлганда, албатта, у ҳам жаҳон чемпиони бўлади. Ахир, Ўзбекистон чемпиони бўлган-а.

Қизим бу гапларни завқ билан фахр аралаш айтди, гўёки ўзи чемпион бўлгандек эки бўлади-гандек. Ундаги бу туйғунинг оти ҳавас эди. Бу ҳавас, аминманки, уни фақат яхшиликка бошлайди. Қаранг, яхши одамнинг яхши иши, яхши ибрати қандай қудратга эга. Шунинг учун ҳам машоихлар

ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яша, деганлар.

Дарвоқе, ҳавас қилиб яшагулик ишларимиз ози? Ҳавасга лойиқ одамларимиз-чи? Улар ўз орамизда. Бироқ биз уларнинг ана шундай яхши ишларини ўз вақтида илғаб олаёلمимизми? Масалан, Қарши тиббиёт коллежиде нима учун муъажизна «Харбийлар шахарчаси» қурилди? Эки коллеж директори Собир Турсуновни шу ишни қилишга биров мажбурладими? Йўқ.

— Нима учун дейсизми? — мулоим жилмайд Собир Турсунов. — Аввало, йигитлар, қизлар шу ерда спорт машқларини бажаришади. Йигитлар қакириқкача ҳарбий тайёргарликдан ўтишади. Энг асосийси, йигитлар ҳам, қизлар ҳам Ватан тақдирини ўзларига боғлиқ эканлигини, юртимизнинг қўриқчилари ўзлари эканлигини ҳис қилиб ўсишади.

— Бу шахарчани қуриш учун кўп харажат талаб қилинмади, — дейди у сўзида давом этиб. — Уни ўзи кучимиз билан қурдик, жиҳозладик. Қаршидаги сержантлар мак-

табидан андоза олдик.

Хўш, энди ўзингиз айтинг тиббиёт коллежиде «Харбийлар шахарчаси»ни, унда машқ қилаётган йигит-қизларни кўрган кишининг ҳаваси келадими, йўқми? Келади.

### Огоҳлик — қалб уйғоқлиги

Бунга шубҳа йўқ. Спорт майдониде тўп сураётган қизларни кўрганда-чи? Ана шу қизлардан ташкил топган «Севинч» футбол команди си аъзоларининг республикада биринчи ўринни эгаллаганини эшитганда-чи? «Баркамол авлод» спорт мусобақасида ана шу қизларнинг 2 та олтин, 1 та кумуш медал олдани кимнинг ҳавасини келтирмайди?

Энди савол туғилади: одамларнинг ҳавасини келтираётган бу ишлар ўз-ўзидан бўлаяптими? — Йўқ, — дейди одатига хос жилмайиб Собир Турсунов. — Бунга, энг аввало, ўқитувчилар бир оила аъзоларидек аҳил, иноқ бўлиб, ўз ишларини сидқидилдан бажараётганликлари туфайли

эришмоқда.

Ҳа, балли! Мана, гап қаерда. Қаерда ким ўз ишини ҳалол, виждонан бажарса, ўша ерда ҳавасга аризулик ишлар бўлади, бўлаверди. Мисол учун айтганим бўлсақ, тиббиёт коллежиде «Меҳр» комиссияси тузилганига 4 йил бўлди. 4 йилдири, шу комиссия аъзолари ҳар бир ўқитувчи, ходимнинг оилавий аҳволини ўрганиб чиқади. Ким нимага зорикаяпти, кимнинг фарзанди нима билан машғул, уларга қандай ёрдам керак? Хуллас, комиссия аъзолари назаридан ҳеч нарса эътибордан четда қолмайди. Энг муҳими, бу ишлар расмиятчиликсиз, урадисиз, шов-шувсиз бажарилади.

Қарабсизки, бир-бирини ишонмада ҳам, ўз уйда ҳам кўрган, тагин тўйда, маъракада кўрган ўқитувчилар янада жипслашиб, иноқлашиб кетдилар. Бир-бирларининг ҳолидан хабардор бўлади-ган бўлдилар. Кўп биттадан борса тўйдирди, биттадан урса ўлди-ради, деган гап бор. Кўпчилик кўп нарсасга қодир. Шунинг учун ҳам коллеждоғилардан бирон кишининг нохўш ишга аралашиб қолмаслигига ишонадилар.

— «Меҳр» комиссияси хулоса-сига кўра, кимнинг тўйига, бировнинг маъракасига баҳоли қудрат ёрдам берамиз, — дейди Собир

Турсунов. — Шу ишларни қилавериб, ўқитувчиларимизнинг оила аъзолари тугул, улар яшайдиган маҳаллар аҳлини ҳам дуппа-дуруст билиб олдик.

Тўй-маъракага ёрдам учун маблагни қаердан олаёйсизлар, деган саволимизга у шундай жавоб қайтарди: — Биринчидан, электр, сувдан тежаб фойдаланамиз. Иккинчидан, ошхона, фотостудияни ижарага берганмиз. «Тиллар» марказини очганмиз. Ўқитувчиларимизнинг болаларига бепул, қолганларга пулик. Қолаверса, шартнома асосида қишлоқ ҳўжалик ишларида ҳам қатнашамиз. Шундан топган маблагни шу ишларга сарфлаймиз. Коллежнинг кутубхонасида бўлганмисиз? Илмий адабиётлар бўлими алоҳида. Талабалар учун ўқиш зали алоҳида. Компьютерлар интернет тармоғига уланган. Масофадан ўқитиш йўлга қўйилган. Хива тиббиёт коллежи билан шу соҳада ҳамкорлик ўрнатилган. Энди эса Германиядаги тиббиёт коллежи билан ҳамкорлик ўрнатилди учун тараддуф қўрилмоқда. Шунинг учун биз ҳам химия, биология, физика фанларини ўқитиш бўйича республикада биринчи ўринни эгалладик.

Буларни айтишдан мақсад нима? Мақсад шунки, қаерда Қарши тиббиёт коллежидеги сингари ҳавас уйғотувчи ишлар қилинса, ўша ерда ҳамиятга, унинг тараққиётига ишонч мустаҳкамланади. Яхшиларни қўриб, яхши ишларни билиб, ҳар ҳолда, ана шундай яхшиликлар қилишга ҳавас уйғонади.

(Давоми 2-бетда).

Эркин ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони.

## Бепарво бўлма, жон болам!

Кўшинсиз, лашкарсиз ажабтовур жанг — Гирдобиде қолди мажрўҳ бу олам. Хўйла милтиқ бўлди, ўқ бўлди найранг, Алдима, бепарво бўлма, жон болам!

Дунё қайта бошдан бўлмоқда тақсим, Бир улуш тегар, деб чағ солар ҳар ким. Озод қолсин, десанг, бу жангда халқим, Ҳеч қачон бепарво бўлма, жон болам!

Башар забт этди-ю олис фазони, Даф қилаолмади ерда балони. Жаҳолат гаровса олои дунёни, Сен бунга бепарво бўлма, жон болам!

Мустақиллик, ден кереганда кўкрак, Бил, Истиқлол учун жон чеқмоқ керак. Тарихдан сабоқ ол, сергак бў, сергак, Бир нафас бепарво бўлма, жон болам!

Зўрлар текин қўла, деб қараган бизга, Ерда этган пул, деб қараган бизга, Ололсақ маъқула, деб қараган бизга, Билиб қўй, бепарво бўлма, жон болам.

Бугун ҳам, дўстимиз, деб сайраганлар бор, Аммо шундан ханжар қайраганлар бор, Зарра нотинч бўлсақ яйраганлар бор, Ҳеч замон бепарво бўлма, жон болам!

Кек шихор бадғумон бўлган, демасман, Қалбига қулаф солсанг, рози эмасман, Тор бўлма, фақат бил, ким дўст, ким душман, Уларга бепарво бўлма, жон болам!

Дерлар: сиртқи ёвга бас келмоқ осон, Душманнинг ичиндан чиққани ёмон. Жаҳил бандаларга бўлсин беомон, Бирор он бепарво бўлма, жон болам!

То улар қилмасин қора хайлар, Қайта паранжиса кирмас айлар... Усажак озодлик экан ниҳоллар, Нишон ҳам бепарво бўлма, жон болам!

Болажон, елкагда Ватан хизмати, Истиқлол қисмати, элинг қисмати, Ортсин десак ўзбек қадр-қиммати Ҳеч қачон бепарво бўлма, жон болам!

— Турғунпўлат ака, сиз етакчил қўлаётган партиянинг айна вақтдаги савий-характерини тўлақонли сиёсий фаолият деб айта оласизми?

— Партиямиз ташкил топган дастлабки пайтлардан то ҳозирга қадар ҳам аҳолининг кам таъминланган, амалий ёрдамга муҳтож қатламлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини химоя қилиб келмоқда. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бундай инсонпарварлик гоялари дастурларимизда ўз ифодасини топган. Аслини олганда ҳокимият учун курашиш ва бу курашда устун маънага эришиш ҳар бир сиёсий партиянинг бош мақсади. Ривожланган мамлакатлар таърихидан маълумки, ҳокимиятнинг қўлга киритиш йўлида сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат пировардида давлат истиқболи ва тараққиёти учун зарур бўлган ягона турғун сиёсатнинг шаклланишига хизмат қилади. Шу жиҳатдан қараётган бўлсак, кўппартиявийлик тизими қарор топган мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида ниҳоят ҳокимиятга интилиш пайдо бўлаётгани ва бу тўбора амалий аҳамият касб этаяётгани ижобий ҳодисадир.

Ҳа, бугун биз ҳокимлик ва турли даражадаги бошқарув идораларида ўз вакилларимизга эга бўлдик. Самарқандда, Андижонда, Сурхондарёда шундай ҳолни кузатиш мумкин. Лекин ҳамма жойда партия вакиллари ҳокимият ишларида зарур даражада фаоллик кўрсатмагандир. Мисол учун, Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгашларидаги ишлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Уларда бошланғич ташкилотлар, фаоллар билан алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда сиёсий анжуманлар, учрашувлар ўтказишга, долзарб ҳаётини масалаларини ҳал этиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганишга, уни муайян мақсадларга

# Масъулиям юки

ислохотлар изчиллигини таъминлайди

йўналиришга ҳаракат қилинмаётган. Турғунпўлат партиянинг биринчи котиблари зиммаларидаги вазифани шунчаки деб билишарди.

— **Жойларда уюштирилган учрашув ва мулоқотлар, тадбирлар қанчалик муҳим аҳамият касб этаяпти?**

— Партиямиз мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг марказида бўлишга, шу асосда ўз ҳаракат дастурини амалга оширишга интиломоқда. Эсингизда бўлса, шу йил март ойининг сўнги кунларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида рўй берган террорчилик ҳаракатлари партиямиз сиёсий кенгаши ўз вақтида муносабат билдирган эди. Жойлардаги бошланғич ташкилотларимиз меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда фаоллар билан учрашувлар ўтказиб, юрт осойишталиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бордилар. Ҳозир ҳам жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳолисона ўрганиб, тегишли ҳокимият ва бошқарув идораларини хабардор этиб келмоқдалар. Ҳар бир мулоқотда социал-демократларнинг мақсад, вазифаларини халққа тушунтиришимиз. Ҳатто ҳар кун жойларда бир неча тадбирлар ўтказилаёти. Натيجида қисқа вақт ичида партиямиз аъзолари сони бир неча минг кишига кўпайди. Шаҳар ва туманларда юзлаб янги бошланғич ташкилотлар тuzилди. Бу эртанги сиёсатда муваффақият қозонишимиз учун муҳим омилдир.

— **Сиёсий майдонда партиялар ўртасидаги баҳслар ҳақиқий, ҳалол курашга айланса, жамият**

«Адолат» СДПнинг Олий Мажлисидаги депутатлар фракцияси раҳбари Турғунпўлат ДАМИНОВ билан суҳбат

ятда юзга келган муаммолар ечимини топиб бераверди. Ундан ташқари, халқимизда ҳам курашчанлик руҳидаги бундай баҳс-мунозараларга интиқлини кузатиш мумкин. Демокриманки,

## Олий мажлис XV сессияси олдидан

давр партиялардан ўз гоя ва мақсадлари йўлида курашувчан бўлишни талаб қилаёпти.

— Сиёсий партияларни бирлаштирадиган муштарак мақсадларнинг борлиги ҳеч қандай шубҳа тўғрисида бўлмайди. Булар — Ўзбекистон муштараклигини мустаҳкамлаш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, демократик тамойилларни ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ишига ўз хиссасини қўшиш каби долзарб вазифалардир.

Айтмоқчиманки, бизда ҳокимият учун курашда қайсибир сиёсий партиянинг нуфузи, мавқеи устунлиги ҳақида гапириш учун ҳали эрта, жиҳдий имтиҳонлар эса олдидан. Хулоса чиқаришга шоянмаслик лозим. Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида мамлакатимиз Президентининг сиёсий партиялар фаолияти хусусидаги қунончак фикрлари барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Сиёсий партиялар тинчлик-товушлик тарафдорлари бўлиб, амалдаги сиёсатни ёқлаш билан қиёфаланиб қўлаётганликларини, ислохотлар ривожини учун муқобил фикр билдирмаётган

ликларни, аслида ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламнинг манфаатларини химоя қилиш ўрнига баландровоз шорлар билан ўралашиб қўлаётгани танқид қилинди. Бундан тўғри хулоса чиқариб фао-

лиятимизга кескин ўзгаришлар киритдик.

— **Сиз раҳбарлик қилаётган партия кейинги пайтда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик қандай муаммоларни ҳал этишга эришди?**

— Узингизга маълум партиямиз парламент типиди партия. Шу боис Олий Мажлис ҳар бир сессияси кун тартибига киритилмаган масалаларни муҳокама қилишда, парламентнинг қунончак фаолиятида, қолаверса, сайловлар билан учрашувларда партиянинг Дастури ва низомидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб қолди. Ҳар бир масалага ёндашганда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий адолат тамойилларига қатъий риоя қилинмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилалар, кексалар, зиёлилар, хотин-қизлар, талаба ёшлар каби аҳолининг кенг қатламларига оид муаммоларни кўтариш ва ечимини топиб беришда баҳолли қудрат ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Шу мақсадда нафақат фракция ва Сиёсий Кенгаш аъзолари, балки партиянинг матбуот органи — «Адолат» газетаси имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кенг қатламларида бўлиб ўтган сессиясида мамлакатимиз Президентининг сиёсий партиялар фаолияти хусусидаги қунончак фикрлари барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Сиёсий партиялар тинчлик-товушлик тарафдорлари бўлиб, амалдаги сиёсатни ёқлаш билан қиёфаланиб қўлаётганликларини, ислохотлар ривожини учун муқобил фикр билдирмаётган

сиёсий ҳаётда рўй бераётган барча воқеа ва тадбирларда кенг жамоатчилик билан биргаликда, айниқса, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика Байналмилал маданият маркази сингари қатор жамоат бирлашмалари билан муайян ишлар қилинмоқда. Ўз навбатида Меҳр ва мурувват қилиб бу борадаги тадбирларимизни қуйайтирайми.

— **Олий Мажлис ўн бешинчи сессияси кун тартибидан икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асосини тўлдирувчи қунонлар лойиҳалари ўрин олган. Бу ҳужжатларнинг пишишида, албатта, сиз бошчилик қилаётган фракциянинг ҳам алоҳида меҳнати сингади. Ундан ташқари, шу йил декабр ойда Қунончилик палатасига ҳамда вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловлар ҳозирдан тарғибот-ташвиқот уюштиришни, фаоллиқни оширишни тақозо қилади...**

— Албатта, ўтган давр ичида қабул қилинган қунонлар мамлакатимизнинг келгусидаги раванқини белгилайди. Уларда партиямизнинг ҳам хизмати борлигидан фойдаланилди. Олий Мажлисининг навабатида сессиясида нафақат сиз назарда тутган қунонлар лойиҳалари, балки кун тартибиданги ҳар бир масалага фракциямиз ўз тақлиф-мулоқазларини берди.

Энди бўлажак парламент сайлови ҳақида гапирсак, у илгирги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Сабаби — биринчидан, парламентимиз икки палатали тизимга ўтиши муносабати билан партиялараро рақобат янада кескинлашди. Иккинчи-

дан, сиёсий партиялар нафақат парламентнинг қўйи палатасида, балки маҳаллий вакиллик органларида ҳам кўпроқ ўринлар олиш учун кураш олиб бордилар. Учунчидан, ҳар бир партия депутатликка номзодлар курсатиш масаласига парламентнинг профессионалиги нуктаи назардан ёндашиши лозим. Яъни, ҳар бир партиянинг масъулиги янада ошади. Уйлайманки, партиямизнинг илгирги сайловда орттирган таърибаси бўлажак сайловларда қўл келди. Янаям аниқроқ қилиб айтганда, камчиликларни тақрирлашда қанчалик тиришялми. Партиямиз Дастури, сайловолди дастури, сайловда иштирок этиш стратегияси ва тактикаси шу мақсадга хизмат қилади. Партия Сиёсий Кенгашида шу йилнинг май ойда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган аниқ қора-тадбирларни ишлаб чиқдик ва шу асосда фаолият кўрсатаями.

Яна бир гап: биз мамлакат тақдирини учун муҳим асослар яратадиган Қунончилик палатасини шакллантиришда бошқа сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этишимиз зарур. Ҳабарингиз бор, Олий Мажлисининг XIV сессиясида сиёсий партияларни молиялаштириш масаласи муҳокама этилди. Энди партияларнинг эркин, мустақил фаолият юритиш имкониятлари кенгайди. Демак, у қараёнда ташаббусни ҳозирданок ўз қўлимизга олма-сак, сайловолди тарғиботларини пухта ташкил этмасак, номзодларни танлашга эътибор бермасак, ўз ниятларимизга эриша оламиз. Зотан, бўлғуси парламент сайлови асосан сиёсий партиялар ўртасида ҳақиқий кураш шарафотида ўтиши шубҳасиздир.

«Халқ сўзи» мухбири Худойберди ЭШМАНОВ суҳбатлашди.

## Мустақиллик берган имконият

«Тошқўқимачи» акциядорлик жамиятининг маъмурий биноси олдига одам гавжум. Аксарияти хотин-қизлар. Уларнинг суҳбатига қулоқ тутамиз: «Эшитдингизми, комбинат хориқчиларга сотилибди. Улар 28 бундан 35 ёшгача бўлганларни ишга олишарми?» Аёлининг рағимганима гапларни шериги қўшди: «Акцияларимиз нима бўлади? Пулимизга қуйиб қолаверамизми?».

## Ҳаёт яратувчанлик билан гўзал

70 йиллик тарихга эга, нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам йирик саналган ушбу корхонанинг шон-шукрати бугунга келиб сўнди. Пировардида, юзлаб ишчилар қаддон қорхоналари билан мажбурият хайрлашдилар.

Хўш, қорхона таназзулга оз тутишининг сабаблари нимада? Хомаш тақчиллигимиз? Ё бешқирғи тизими эрдан чиққани? Ана шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида «Тошқўқимачи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Аҳмадхон Турсуновга мувожабат қилдик.

Халқимизда «Ҳечдан кўра, кеч», деган мақол бор. Шу маънода, комбинатимиз негизда 1-тўқуш цехи ҳамда 3-ип-йигиртув фабрикаси қолдиради. Шу билан бирга, таъмирлаш ишларига 500 нафардан зиёд ишчи сафарбар этилган. Уларга олийк машиналарни ўз вақтида тўлаб бораёلمиз.

Аваллари иш жараёни ишбай бўлган бўлса, эндиликда вақтбай тизимига ўтилмоқда. Бундан-да муҳими, тўқувчилар дастоҳлар оралаб зир югурмайдилар, аксинча, уларни кузатиб турсалар бўлган. Яна бир нарсани айтиш жоизки, сармоядорлар қўшма қорхонани ташкил этишда қайсибир банк ёки олий ташкилотни кредитини эмас, балки ўз маблағларини сарф қилаёпти. Табиийки, бунда ишлаб чиқаришга бўлган муносабат ҳам ўзгача кечади. Тасдиқланган бизнес-режага қўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади. Яъни, маҳсулотимиз бир сўмга сотилган бўлса, эндиликда беш сўмга сотилади.

Аҳмадхон ака билан бирга қорхона худудини айланамиз. Унинг ҳовлисида уюм-уюм дастоҳлар, Цехларда таъмирлаш ишлари жадал кетаёпти. — Тез орада янги дастоҳларни ўрнак бошлаймиз, — ўз оҳида айтиди. — Худо ҳоқласа, истиқлол байрами арафасида қўшма қорхонанинг биринчи навбатини ишга туширамиз. Ана шунда қўрасиз, фабрикамиз «кайта туғилади». Ҳа, бир донашманд айтганидек, «Ҳаёт бунёдкорлик, яратувчанлик билан гўзал. Унинг ижодкорлари эса илгануван инсонлардир».

Ҳозир қорхона тўлиқ қайта таъмирланаётгани

Самдолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Хабарлар оқимидан

**Ёзувчилар уюшмасининг Андижон вилоят бўлими адабиёт жамғармаси қошида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги адабий клуб ташкил этилди.**

**Ёш ижодкорлар клуби**

Ёшлар бу ерда таърибали адиб ва шоирлар раҳбарлигида ўз қаламларини чархлаб, ижодий маҳоратларини ошириб боришади.

Адабий машғулотлар шоир номи билан аталувчи болалар кутубхонасида ўтказилади. Унда ёшлар таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда нашриёт вакиллари билан мунозама мулоқотлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб борадилар.

Ўз мухбиримиз.

**Жиззахда мустақиллик байрамининг 13 йиллиги арафасида «Истиқлол» болалар истирожат боғи қуриб битказилди.**

**«Истиқлол» болалар боғига келиш**

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қаровисиз ётган тепалик ёнида барпо этилган боғда турли аттракционлар, чўмилиш ҳавзаси, карусель, болалар поезди болажонлар хизматида.

«Истиқлол» боғи ёнида бунёд этилган болалар спортинг мажмуасида ўғил-қизлар спортинг бир қанча турлари билан шугулланишлари мумкин.

Бохриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## Фармон ва ижро

# Аёл илмни бўлса, жамият илмни бўлади

**Хотин-қизларнинг ижтимоий, интеллектуал, шахсий имкониятларини тўлиқ намоён этиши муҳим жараён ҳисобланади. Шу боис бугун мамлакатимиз ҳукумати бу масалага жиҳдий эътибор қаратмоқда. Президентимиз жорий йилнинг 25 майида имзоланган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча қоратдирлар тўғрисида»ги Фармон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон асосида қабул қилган қарори бу борада ўзига хос тарихий воқеа бўлди.**

Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ушбу Фармон ва қарорнинг ижроси кўп жиҳатдан аёлларнинг онги, тафаккури, интеллектуал салоҳият даражасига боғлиқ. Уларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллашлари, илм билан шугулланишлари, шу тарихида ўз қобилиятлари ва имкониятларини жамият тараққиёти учун йўналтиришлари халқ, миллат, мамлакат келажаги йўлида ижтимоий фаол бўлиш гаровидир.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг ислохотлар жараёнида эркаклар билан бир қаторда олимпиадаларнинг ҳам роли катта. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли» бўлиб (46-модда), «Ҳар қимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади» (42-модда).

Аёл кишининг илм билан шугулланиши унинг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари ва жамиятнинг илмий, маданиятли бўлиши учун мустаҳкам пойдевордир. Доносиҳандларимиздан бири айтганда, «Эркак илми бўлса — фарзанд илми бўлади, аёл илми

бўлса — миллат илми бўлади». Демак, қадимдан аёлларнинг илми, оқила, фозила бўлишидан жамият манфаатдор бўлиб келган. Дунё фани ва маданиятига улкан улш қўшган юзлаб мутафаккир олимларимиз қаторида Тўмарис, Қурбонжон Додхон, Сароймулкхоним, Нодирабегим, Гулбаданбегим, Зеббунособегим, Увайсий ва бошқалар, илмий даражалари ҳамда унвонлари бўлмаса-да, олимпиада аёллар сифатида жамият тараққиётида ўз билимлари, ўз — муносиб ўринларига эга бўлганлар.

Мустақиллик йилларида аёлларга эътибор янада кучайди. Уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини ошириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Булар олимпиада аёллар ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган илмий ходимларнинг 150 мингтасини аёллар ташкил этади. Уларнинг 200 дан ортиги фан доктори, 4 минг нафардан ортиги эса фан номзоддир. Биргина Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида ишлаётган 2139 илмий ходимдан 802 нафари хотин-қизлардир. Уларнинг 123 академикдан 9 нафарини, 370 фан докторидан

69 нафарини, 889 фан номзодини 323 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Еки бошқа далил: республика Фан ва технологиялар маркази маълумотларига қўра, 2003 йили фундаментал фанлар бўйича 12,7, амалий-илмий фанлар бўйича 15,7, инновация илмий лойиҳаларга эса 6,14 фоз олимпиа аёллар раҳбарлик қилганлар.

Сўнги йилларда мамлакатимизда фани ва техника тараққиётида олимпиада аёлларнинг салмоғи тобора ошиб бормоқда. Буни Олий Аттестация Комиссиясининг 1992-2004 йиллар давомида республикамизда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўтказган таҳлилдан ҳам билиш мумкин. Ушбу давр мобайнида баъзи фанлар, жумладан, биология, педагогика, фармацевтика, филология, санъатшунослик, психология бўйича фан номзодлигини ёқлаган хотин-қизлар сони эркакларга нисбатан биринчун кўнди.

Аёллар орасидан етиб чиққан фан номзодлари ва докторлари тиббиёт соҳасида ҳам талайгина. Таҳлил қилинган 39 та иختисоликдан 16 тасида фан номзоди, 9 тасида фан доктори илмий даражасини олиш учун химоя қилган аёллар сони эркакларникига қараганда юқоридир.

Ўтган йиллар мобайнида 21 та фан бўйича нашр этилган ишлар таҳлилга қараганда, 9 та фан бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини олган аёллар эркакларга нисбатан юқори қўрсаткичга эришган. Бу хотин-қизларимиз ўз илмий тадқиқотлари натижаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида самарали фаолият олиб бораётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда фан ва техника тараққиётида олимпиада аёлларнинг салмоғи тобора ошиб бормоқда. Буни Олий Аттестация Комиссиясининг 1992-2004 йиллар давомида республикамизда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўтказган таҳлилдан ҳам билиш мумкин. Ушбу давр мобайнида баъзи фанлар, жумладан, биология, педагогика, фармацевтика, филология, санъатшунослик, психология бўйича фан номзодлигини ёқлаган хотин-қизлар сони эркакларга нисбатан биринчун кўнди.

Шархон тумани прокурори адлия маслаҳатчиси Олимжон Солиев тез-тез ширкат ва фермер ҳужалиқларида бўлиб, деҳқон ва механизаторлар билан мамлакатимизда қабул қилинаётган қунон ва қарорлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ижара шартномаси хусусида суҳбатлашиб туради. Шунингдек, олий иш ҳақининг узлуқсизлигини таъминлаш, оналик ва болалик муҳофазаси, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан доимий тарзда прокурор назорати олиб боради.

**СУРАТДА:** туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Олимжон Солиев «Намуна» ширкат ҳуқуқчилиги ишчилари билан мулоқот ўтказаятган пайт.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистоннинг илм-фан тараққиётида олимпиада аёллар қўлга киритган ютуқлар, илмий хулоса-ю натижалар, тавсиялар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, юртимизнинг энг чека худудларидаги маҳаллаларда, турар жойларда, ташкилот ва муассасаларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг кечиб жараёни, мамлакатимиз ва дунё илм-фани оламида бўлаётган янгиликлар ва бошқа ҳаётини долзарб масалалар юзасидан олимлар учрашувларига, давра суҳбатларига халқимиз, айниқса, аёлларимиз муштоқдирлар.

Ўзбек аёли дунёдаги энг оқила, фозила, маънавияти юксак, иқтидорли аёллардан ҳисобланади. Лекин баъзи иختисоликлар бўйича хотин-қизлар ичидан фан номзоди ҳам, фан доктори ҳам йўқ. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча худудларида ҳам хотин-қизларимиз илм-фан ривожига ўз улшларини қўшишда маъжуд интеллектуал салоҳиятларини тўлиқ намоён эта олмаётганлар. Жумладан, Навоий, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари аёллари орасида фан докторлари йўқ ҳисоби. Шунинг учун ушбу худудларда аёллардан илмий-педагог кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарур.

Юртимизимиз таъбири билан айтганда, жойларда илмий фаолият билан шугулланувчи хотин-қизларга «Шундай илмий шариот, шундай ижодий муҳит яратиш лозимки, токи илм-фан соҳасидаги нобит истеъодларини болалик чоғидан танилаб олиш, авайлаб парвариш қилиш, миллатнинг энг қатта бойлиги сифатида асрашга имконият туғилсин». Албатта, бу борада жамиятдаги барча институтлар ҳамкорликда фаол иш олиб боришлари тақозо этилади. Бунинг учун эса мамлакатимизда зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ойниса МУСУРМОНОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, профессор.

## ҲАВАС, ҲАСАД ВА НАФРАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Огоҳлик нима? Доимо бир тўда манфур кимсаларнинг гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кунрезликлар содир қилиши мумкинлигини ҳис қилиб туришимиз? Ҳозир шунинг ўзи етарлими? Йўқ, Назаримда, огоҳлик — қалб уйғоқлиғидир. Қалб уйғоқ бўлиши, қалбни уйғотиш учун эса узундан-узқ маърузалар, расмий йиғилишлар, учрашувлар, мулоқотлардан кўра ҳар ким ўз ишини сидқиқ дилдан бажарса, ташаббускорлик қўрсатса, индидаги ҳамкасби, ҳамсоёби, ҳамқишлоғи дараддини ўз дарди деб билса, шуларни деб қуйиб, ёнса қайси кимса кунрезлик қила олади? Қилломайди. Тўғри, ҳозир ҳамма бирдек тўкин яшаёпти деб бўлмайди. Бироқ қалби уйғоқ одам ноҳор яшаса ҳам, юлун қийинса ҳам, бировнинг гапига ўчмайди. Она тупроғини тиллоларга алушмайди. Унда мен ўзбекман, ўзбекистонликман, деган фарқ, гурур бўладики, бу гурурнинг чеки-чегараси бўлмайди. Гурури, орияти бор одамгина юртга кўрқанини қалқон қилади.

Шунча, азизлар, 13 йилда юртимиз эришган ютуқларни кўриб, ҳавас қилаётганлар катори, ҳасад қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Биз бунни кўриб, билиб туришимиз. Биргина Қарши тиббиёт коллежини олинг. У истиқлол меваси эмасми? У ерда бўлаётган ўзгаришлар-чи?... Булар қалби уйғоқ одамларга хос ишлардир. Қалби уйғоқ одамлар ватанпарвар бўлишади. Улар гапбозлик қилишмайди, кўқрақларга уриб мактанишмайди. Лекин ўз ишларини ҳалол, виждонан адо этишади. Бу эса ҳавасни келтирадиган муъжизавий самаралар бериши, шубҳасиз. Келинг, мен сизнинг, сиз меннинг ҳолимдан хабардор бўлинг, зарур пайтда қўллаб-қувватланг, ўз навбатда мен ҳам шундай қилай. Ҳеч шубҳасиз, шунда яхши ишлар кўпаяди. Ахир бир-биримизга ёмонликни раво кўрмаймиз-ку. Фақат озгина бедарқимиз, ҳафса сал камкор, тўғрими? Шунинг тан олиб, энди сал бошқачароқ бўлайлик. Огоҳлик гафлатни ҳайдайд. Гафлатдан қутулдимки, ишимиз беш кетаверида. Ҳавас қилгилу ишларимиз кўпаяди. Майли, ҳасадқўйлар ҳасад қилаверсин. Улар ва уларнинг гапига юрганлар, албатта, халқнинг нафратига учрайди. Бунга шубҳа йўқ!

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «Атсунари шинбу» — «Ниҳол газети»

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари «Атсунари шинбу» деб номланган газета чиқара бошлади. Япониянинг «JICA» агентлиги қўмағида япон тилида чоп этилаётган ушбу газетга ўзбек урф-одатлари, аъёнларни маданият ҳақида мақолалар ёритиб боради ва олдига бир марта интернет тармоғи орқали Японияга узатилади. «Атсунари шинбу», яъни «Ниҳол газети» деб номланган ушбу нашр талабалар учун ўз йўнали

# Қалби қуёшидек ҳароратли

(Давоми. Боши 1-бетда.)

жуда кўп. Хуллас, иқтисодда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, маданий соҳаларда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Мен, аввало, ўзбек халқини, ҳукуматини яқинлашиб келадиган истиқлол байрами билан қизғин табриклияман. Мамлакатнинг ҳар бир оила орузлари ушалишини, ҳаётлари гуллаб-яшнашини истайман. Ҳар бир фуқаронинг истаги ижобат бўлсин. Халқингиз ҳаммаша тинч, осойишта ҳаёт кечиршини тилайман.

Ўзбекистоннинг бундан ҳам раванқ топиши учун, аввало, минтақада тотувлик бўлиши керак. Минтақа халқларига ўз урф-одатлари, анъаналарига содиқ қолишини, шу анъаналар руҳида турмуш ке-

чиришларини истайман. Ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Жумладан, Франциянинг ҳам. Ҳар бир миллат ўз муаммосини ўзи ҳал этади, албатта. Аммо барча яхши яшаш учун барча биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Чунки ҳеч бир халқ ўз қобилига ўралиб яшай олмайди.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада жипслаштиришимиз керак. Бу масалани ҳал этиш учун имконият-

лар етарли. Яқинда франциялик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга келиши кутиляпти. Улар Ўзбекистонда ишбилармонлар учун яратилган шароит билан ақиндан танишмоқчи. Шу билан бирга, Париж ва Тошкентда ишбилармонлар учун семинар ўтказишни режалаштирганмиз. Яна бир гап. Ҳозир пахта етиштириш, аҳолини тоза сув билан таъминлаш соҳасида ўзбек-француз алоқалари кенг ривожланмоқда. Франциянинг "Эйр-

франс" авиакомпанияси Париж-Тошкент ҳаво йўлини очишга қарор қилди. Бу Парижни нафақат Тошкент билан, балки бутун Марказий Осиё минтақаси билан боғлайди. Маданий алоқаларга тўхтайдиган бўлсак, ўзбек халқи француз маданиятидан хабардор эканлиги, бизнинг санъатимизни севиши мени жуда қувонтиради. Ўзбекистонда жуда кўп ёшлар француз тилини билиши ва ўрганаётганини, бунга катта талаб борлигини алоҳида таъкидлагим келади. Биз

буни жуда қадрлаймиз ва шунга яраша жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Тиббиёт, юридика, қишлоқ хўжалиги, ҳафсизлик соҳасида кадрлар тайёрлашда Ўзбекистонга ёрдам беришга тайёرمىз. Франция Европа ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам мамлакатингиз билан кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Бунга "ЕвроЭйд" ва "ТАСИС" дастурларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Хуллас, Франция барча соҳаларда Ўзбекистон билан тенг шериклик ҳамда ўзаро ҳурмат асосида кенг кўламли ҳамкорлик қилиб келган ва бундан буюн ҳам шундай бўлиб қолади.

**Б. ЭҒАМҚУЛОВ**  
суҳбатлашди.

Тожикистон пойтахти Душанбадан 180 километр жануброқда жойлашган Афғонистон билан чегара ҳудудда чегарачилар 1 тонадан зиёд героинни кўлга

## Туёнуқтаги оғу

олишти. РИА «Новости» ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, мазкур ҳудудда хизмат ўтаётган россиялик чегарачилар яширган туёнуқдан 1008 килограмм 550 грамм героин ва 72,1 килограмм опий хомашёсини топишган. Чегара матбуот хизмати таркатган хабарларга кўра, бу ҳудудда кўлга олинган энг кўп гиёҳванд моддадир.



## Хон-Тангрида кўчки

Қирғизистоннинг Хон-Тангри кўчқисидан қор кўчиши оқибатида турли мамлакатлардан келган 50 нафарга яқин альпинистлар жабрланди. Бир неча гуруҳга бўлинган альпинистлар 6995 метрли кўчкини забот этмоқчи эдилар. Сўнгги маълумотларга кўра, кўчқарувчилар айни пайтда кўчки остида 20 нафар атрофида одам қолганини тахмин қилишмоқда. Қирғизистонда маҳаллий кўчқарувчилардан ташқари, хоржий, хусусан, россиялик кидирув-қўчқарув гуруҳлари иш олиб боришмоқда, дейилади РИА «Новости» хабарига.

## Журналистлар судда қатнашмоқда

Америкалик ҳарбийлар Гуантанамодаги асирлар бўйича ўтказилган трибунал ҳукмини қайта кўриб чиқиш жараёнида журналистларнинг қатнашишига рухсат беришди. Трибунал давомида биринчи марта 600 нафар асирнинг ишлари кўриб чиқилди. Би-би-си агентлигининг маълум қилишича, трибунал махфий ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёни бошланганидан сўнг журналистлар суд залини тарқ эттишти.

## Ёнғун сабаблари ўрганилаётми


Парагвай пойтахтидаги «Икуа Боланьос» савдо марказида содир бўлган ёнғун сабабларини ўрганиш ишлари давом этмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, ёнғун қисқа тугашув оқибатида юзга келган, деб хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги. Утган ақшанба кун мамлакат тарихида содир бўлган энг қучли ёнғун 441 кишининг ўлимига сабаб бўлди. 500 киши жароҳатланди. Яна 150 киши ҳозиргача бедарак йўқолганлар рўйхатида туришибди.

## Террорчилар раҳнамоларидан бири кўлга тушди

Саудия Арабистони махсус хизмат вакиллари мамлакатда кўп вақтдан буюн кидирилатган террорчилардан бири Форис ал-Захронийни хисга олишти. Бу ҳақда «Ал-Арабия» телеканали маълум қилди. Телеканалда айтилишича, террорчи мамлакатнинг жанубида кўлга олинган ва амалиёт пайтида қаршилик кўрсатмаган. Форис ал-Захроний Саудия Арабистони ҳукмати томонидан кидирилатган 25 нафар ўта хавфли террорчи рўйхатига кириди. У «Ал-Қоида» экстремистик ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилинмоқда.

## Энг ишончли автомобиль

Британиянинг нуфузли «Which» журналі дунёнинг энг ишончли автомобили бўйича йиллик ҳисоботини чоп этди. Нашр немис автомобилларининг сифати пайса билан бораётганини қайд этди. Бундан ташқари 138 хил автомобиль маркасига эга бўлган 80 миң нафар муҳлис ичида сўрошма ўтказди. Сўрошмада Getz кичири ишлаб чиқардиган Hyundai автоси биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, MG Rover, Mazda-323 ва Toyota Corolla ҳамда Corolla Verso ҳам сифати яхши автомобиллар қаторидан жой олди, деб хабар беради NEWSRU.com.



# ОЛАМ НАФАСИ

### Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Украинада президентликка сайлов жараёни номзодлар сони бўйича мамлакат тарихида рекорд кўрсаткич билан бошланди. Масалан, 1994 йилдаги президент сайловларида 7 нафар номзод қатнашган бўлса, 1999 йилдаги сиёсий тadbирда 15 нафар киши давлат раҳбарлигига даъвогарлик қилган эди.


## Президентликка 26 номзод

Мамлакат Марказий сайлов комиссияси сайловда 20 нафарни яқин номзод қатнашишини тахмин қилганда. Амалда уларнинг сони 26 нафарни ташкил этди. Энди МСК мазкур жараёнга кетадиган ҳаракатлар ҳисобини қайта кўриб чиқиши керак.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сайловлар нафақат кўпсонли номзодлар қатнашиши, балки унда турли хил ноҳиликлар бўлиши ҳамда унинг натижасини илгаридан айтиб бўлмаслиги билан ҳам авалгиларидан фарқ қилади. Сиёсий тadbир жараёни турли хил «ўйинларга бой» бўлишини Украинанинг амалдаги президенти Леонид Кучма утган йилдаёқ баъорат қилганди.

Коммунистлар партияси аввали сайловлардаги сингари ўз етакчиси Петр Симоненконинг номзодини илгари суришти. Киев мэри Александр Омельченко ҳам мамлакатга раҳбар бўлиш иштиёқиди. Маълумки, деган фикр ҳам мавжуд. Аммо бунга Кличколар кўнишадими, хали бу савол очиклигимиз қолиб турибди. Миллатчилар ҳам ўз етакчисининг давлат раҳбари бўлишидан умидвор. Улар ўз етакчиси Роман Козакнинг

сайловчилар орасида обрўйини ошириш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Сайловларда киевлик қора танли фуқаро Андрей Дьяченко ҳам ўз номзодини кўрсатишга қарор қилди. 20 нафар атрофидаги



миллатчи Марказий сайлов комиссияси олдида бир неча кун давомида бунга норозилик билдириб намоён бўлишар ўтказди. Лекин қузатувчилар мазкур сайловларда икки номзоднинг бошқалардан кўра кўпроқ имконияти борлигини таъкидлашаётми. Биринчи бўлиб сайлов жараёнига «Бизнинг Украина» блокнинг етакчиси Виктор Ющенко кириб келди. У ўз галабасига шубҳа йўқлигини бот-бот таъкидлаётми. Ушбу номзоднинг бундай дейишига асослар етарли. Ющенко мамлакатдаги энг обрўли сиёсатчилардан бири. Шунингдек, уни бугунги кунда аҳолининг 29 фоизи кўлаб-қувватлашга ҳозир. Мутахассислар ҳам Виктор Ющенко ни ислохотлар тарафдори эканини айтишмоқда. Бирок

Ющенко етакчилик қилётган мухлифатчилар орасида ҳозирча бирдамлик кузатиляпти. У сайлов жараёнида мамлакатнинг собиқ иқтисодий вазири Юлия Тимошенко билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга келишиб олишган бўлса-да, мухлифатчиларнинг яна бир етакчиси социалист Александр Мороз билан юзи тескари бўлди. Мороз Ющенко «Кремль агенти» деган сўзлар билан вақалар тарқатиб, унинг обрўсини туширишга ҳаракат қилаяпти. Бундан ташқари, Александр Мороз ҳам президентликка номзодлар сафидан жой олган.

Айни пайтда мамлакатнинг амалдаги Бош вазири Виктор Януковичнинг ҳам имкониятлари катта. Боз устига уни Леонид Кучма ҳам кўллаб-қувватламоқда. Яна, Януковични халқаро майдонда ҳам яхши танишади. Бу сайловларда унга овоз беришга яна бир асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Яна бир гап. Ҳар бир номзод сайловларда қатнашиш учун 500 миң гривна (94,34 миң доллар) маблағни МСКга гаров сифатида ўтказишган. Сайловда 7 фойздан кўп овоз олган номзодни бу пуллари қайтариб олиши мумкин, акс ҳолда пул давлат бюджетига ўтказилади. Украинада президент сайловлари шу йилнинг 31 октябрь кунини бўлиб ўтади.

Салим ДОНИРОВ.

## Маймунлар ҳужуми

Хиндистон нефть вазири Дехлиннинг марказида жойлашган ишончасига кираётганда, тажовузор маймунларга дуч келди ва қочиб мажбур бўлди, деб ёздаи Лондоннинг The Times газетаси. Газетада айтилишича,



сўнгги пайтларда Хиндистон пойтахтида маймунлар ҳужуми кўпайиб бормоқда. Махсус гуруҳ маймунларни шаҳар ташқарисига чиқариб улгурмасдан, улар яна шаҳар марказига келиб, дўкон ва қароргоҳларни эгаллашапти.

**«GARANT MEBEL» МҶМ**  
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм  
59 000 сўм  
45 000 сўм  
56 000 сўм

Тўлов шакли турлича...  
Маҳсулот сертифициланган

Улгуржи харидорларга чегирмалар берилди.  
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17.  
Факс: 152-21-82.

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

Ишлаб чиқарувчи заводлар дилери  
«ИЖМАШВТО» ОАЖ,  
«ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буортмалар қабул қилади ва сотади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига автомобиль етказиб беришни тақлиф қилади.

Мулукот учун телефонлар:  
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01, 132-03-62;  
Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.

«ГАЗ-31105»  
«ГАЗ-3102»  
«ВАЗ-2106»  
«ГАЗЕЛЬ»

**ЎЗСАНОВАТҚУРИЛИШБАНК**  
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

**ХИНДИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ**

Хиндистонлик 50 нафар машҳур, замонавий аёл рассомнинг «ВАХТИЁР АЙТАР: АМРИГА ШЕРРАТНИНГ ҚЎЙИШИ» номли кўргазмасини тақдим этади.

Кўргазма 2004 йил 10-15 август кунлари соат 10.00 дан 17.00 га қадар Марказий кўргазмалар залида намоён этилади.

Манзил: Шароф Рашидов кўчаси, 40-уй.

**МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН**

**Katris ФИРМАСИ**

**МЕБЕЛЬ**

Ишлаб чиқаради ва сотади.

Мебель олсан «Katris» дан, розан қилсан дилдан.

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтаётган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси жамоаси ихтисослашган «Автомагистраль» автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш бирлашмаси бошлиғи Рашид Юнусовга ўли

**БОБУРИН**  
вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Ўзбекистон тарихи» кафедраси муdiri Шохиста Ўлжаевга турмуш ўртоғи

**ЎЛЖАЕВНИНГ**  
вафот этганини муносабати билан чўқур тазия изҳор этади.

Шеърхонлик

### Абадиёт бор, элим

Эй, гўзал юрт, икки дарё ораси,  
Ўзбек эли сенсан кўзин қораси.  
Заминингдан келур гўё қулоққа  
Соҳибқирон Темуր бобом наъраси.  
Ўзбек элим, ҳур элим, обод элим,  
Боболарим руҳин эдинг шод элим.

Муқанналар қилчани қайтардинг,  
Босқинлар тўдаларин қайратдинг.  
Берунийлар бешигини тебратиб,  
Навоийни бузула каби сайратдинг.  
Ҳарбу зарба жасур элим, аал элим,  
Имони бут, танти, олоқалб элим!

Бу жаҳоннинг жонива жон ўзинсан,  
Оламро ширин забон ўзинсан.  
Эзам сенга истиқлолни етказди,  
Хазинага хазинабон ўзинсан.  
Кутлуғ ишга доим ўзинг бош элим,  
Азиз бошинг доим бўлсин тош элим!

Бағринг очиқ, ёлғонлардан йироқсан,  
Заҳмат деса, зўрлардан ҳам зўрроқсан,  
Инсоният идрокани пешладинг,  
Осиёда ёниб турган чироқсан!  
Терап томир, борар йўл соз элим,  
Элим сени айласин эъоз элим!

Она дединг ушиб — ўсап ошени,  
Таллолардан авло билдинг имонни.  
Зарга эмас, адолатга таланиб  
Дийнатдан олдинг кучу дармонни.  
Фарзандлари лочин элим, сар элим  
Ўзмишида абадиёт бор элим!

Оқунжон ҲАКИМОВ.

## «КИНОМИЗ — РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА»,

— дейди суҳбатдошимиз “Чангак”, “Яраланган куш ҳамон учмоқда”, “Шўрпешоналар”, “Шайтанат”, “Дев ва пакана” каби фильмлари орқали ўз сўзини айта олган таникли режиссёр Жаҳонгир ҚОСИМОВ



Меҳмон

— Жаҳонгир ака, кейинги йилларда бир қанча муваффақиятларни қўлга киритдингиз. Буларнинг қайси босқичида бўлди? — Уларнинг қайси босқичида бўлди, деб сўрайдиган оdatи бор эди. Ана шу “иннайкайин”га жавоб бера олмасангиз онангизни Учқўрғондан кўрасиз.

— Фиркингизни тушундим. Фильмлар сонининг ўсгани ҳам

киномизнинг тараққиёт босқичида эканлигини далолат қилди. Студияларнинг кўпайгани — Узро рақобатнинг ўсганлиги. Рақобат туйғули мактаса арзигулик фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Жумладан, Ю. Розиковнинг “Воиз”, Э. Мусоқовнинг “Омондаги болалар” фильмларини ана шулар сафига қўшиш мумкин. Колаверса, кинога янги кўчалар кириб келаяпти. Аюб Шаҳобидинов, Елқин Тўйчиев, Хилол Насилов каби ёшлар илк қадамларидан салмоқли фильмлар яратиб келишмоқда. Яқинда премьераси бўлиб ўтган “Қор кўйнидаги лола” (режиссёрлар А.Шаҳобидинов, Е. Тўйчиев) фильми Марказий Осиёда бўлиб ўтган талловда олий соврин — “Гран при”ни олди. Франция элчихонаси томони-

дан айнан шу фильм Канн шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кинофестивалда иштирок этишга таклиф этилди. Бу ўзбек киноси учун жуда катта баҳо. — Очиги, шу соҳада анча йилдан бери ишлайман, аммо ҳукумат томонидан бунчалик катта эътибор бўлмаган шу пайтгача.

— “Эсмаральда”, “Гадалупа”, “Елгон асираси”... Томошабинларнинг кўпчилиги сериалларга ошқ. Шунча маблаг сарфлаб сотиб олиб кўрсатишга арзийди, булар? — Пул сарфлашга арзийдиган сериаллар бор. Фақат уларнинг сиз-у биз ҳозирча кўрмаганимиз. Улар ҳақиқатан катта пул туради. Ҳозиргилар эса, чойхона гаплар. Умуман олганда, сериаллар ҳам керак,

аммо томошабинларни фақат шу билан “боқиб” керак эмас. — Ватанпарварлик ҳақидаги “Шер юрак” фильми дўбини забт этди. Бизда ҳам шундай кинолар олишга имконият борми? — Бор. Боя айтганимдек, ҳозирда кинога давлат сўбаси даражасида эътибор берилмоқда. Бунинг учун махсус қарор қабул қилинган. “Ўзбекфильм” бир йилда ўн бешта тўлик метражи фильм олиши учун катта маблаг ажратилган. Гап зўр сценарийга, зўр кадрларга бориб тақалади. Ва фикримча, бунинг улдасидан чиқиб мумкин. Фақат кўчаларнинг йиғиб, бир ёқдан бош чикарсак деган ниятдадим.

Ватани севтишга келсак, ҳудди сиз айтган киногаддек, аввало, унинг равнақи учун нималар қила олганимиз

тўғрисида бир ўйлаб кўрсак. Биринчи галда, кўнгли сўзласин. Ахир Ўзбекистон — дунёда битта, ягона.

— Россияда чиқади “Культура” газетасида “Дев ва пакана”нинг Москвада бўлиб ўтган МДХ ва Болтик бўйи мамлакатлари VIII кинофорумида бирмунча шовшувга сабаб бўлгани ҳақида ёзилади. Бир қатор хорижий мамлакатларда намойиш этиш учун таклифлар тушгани унга берилган баҳо бўлса керак.

— Ҳеч бир ортиқча мақтовсиз айтишни керак, аввало сценарий жуда яхши ёзилган. Актёрлар ва бошқа жамоа аъзолари катта меҳнати самараси бу. Нуфузли кинофорумда таникли мутахассислар томонидан олган баҳоси ўзбек киносининг ўз овози борлигини яна бир бор намойиш этганидан жуда мамнунман.

Рустам БОЙТЎРА, суҳбатдоши.

# GURUNG

Кулги сандигидан

Тафаккур манзили

## Ўргатиш учун ўргатиш лозим

Зид келиш ва инкор этиш учун эмас, кўр-кўрона ишонув учун эмас, суҳбатда гап топиш учун ҳам эмас, фикрлаш ва мулоҳаза юритиш учун ўқиш керак.

Ф. БЕККОН.

Мушоҳада юритмай туриб, қанча кўп ўқисангиз, шунча кўп ўқитганга ўхшайверасиз. Агар ўқитганда қанчалик кўп мушоҳада юритсангиз, шу қадар оз нарсани билишингизни аниқроқ хис қиласиз.

Ф. А. ВОЛЬТЕР.

Агар кишининг ҳулқи бузуқ, илмдан беҳабар бўлса, одамларни тўғри йўлга соломмайди, уларга йўлбошчи қилолмайди. Ахир кўзи оғир одам қандай қилиб кўрга йўл кўрсата олади?

АРАСТУ.

Ўқишсиз ҳақиқий билим йўқ, усиз дид ҳам, сўз ҳам, кенг қўламли тушунча ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

А. И. ГЕРЦЕН.

Ўргатиш ўзгаларнинг фикрлари ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратиш демакдир.

Н. А. РУБАКИН.



Рассом хандаси

Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

## Бир ёлғондан — юз ёлғон

Ғафур ҒУЛОМ

қандай қилиб синди? Рўзгорда менинг пичоғимдан бошқа пичоқ қуриб кетган эканми? — Този интининг терисини шиллаётгандик, суякка тегиб синиб қолди. — Ийя! — деди бой. — Тозининг терисини дондон сопли пичоғим билан шиласанларми, ўзинг айт-чи, нимага шилдиларинг? — Шошиб қолдик-да, ўлиб қолгандан кейин, бе-кор кетмасин деб терисини шилиб олдик. — Нима қилиб ўлди? — Харом ўлган отнинг гўштини кўп еб қўйган экан, бўкиб ўлди. — Харом ўлган отнинг гўшти қавқда экан? — Ҳа, ўзимизнинг тўриқ қашқанинг гўштини еб ўлди-да, бегона эмас. Бой аланглаб қолди.

— Хай-хай, бола, оғзингга қараб гапир, тўриқ қашқа ўлиб дедингми? Тўриқ қашқа нима қилиб ўлди? — Ҳеч аравага қўшилмаган экан, биз уни аравага қўшиб, сув ташиган эдик, зўриқиб ўлди. — Нима даясан, хароми, бошқа шунча аравакаш отлар туриб, келиб-келиб, бирдан-бир боқиб қўйган улочки отим билан сув ташийсанларми, падар лавнатилар? — Ҳа, ўт тушгандан кейин унинг улочкилигига

қараб ўтирадимиз, дуч келгани қўшилиб, бир челақ бўлса ҳам ташиса бўлди-да! — Бойнинг чайнаб турган яхна тилни ютишга ҳам дармони қолмади. Оғзиндан олиб қўйди-да, бақрайганча менга тикилиб: — Ўзинг жинни-пинни бўлдингми? — деди. — Ўт тушиди деганинг нимаси, қаерга ўт тушиди, нимага тушадиган? — Соғман, хўжайин, ўт аввало оғилхонага тушиди. От шўрликларнинг ҳаммаси нобуд бўлиб кетди. — Ийя, оғилхонада ўт нима қилади? — Ўт оғилхонадан ўтган бўлса керак. — Ахир оғилхонада ўт чиқади-да, нарса йўқ-ку. Бугдой бор, тўғри, гурунч бор эди, тўғри, газлом бор эди, тўғри, шулардан ўт чиқади-да! — Бердисини айтгунча шовманг, хўжайин, оғилхонадан ўттибди. Бир-бирига туташиб кетган-да.

— Ийя, ҳали кўрғон ҳам ёнди дегин? — Кўрғон ҳам ёнди, оғилхона ҳам ёнди, отлар ҳам ўлди, интингиз ҳам ўлди, пичоғингиз синди. — Кўрғонга қаердан ўт кетибди? — Шамдан туташиб кетибди, шамдан. — Хой, ўзинг жинни бўлиб қолисан, ўғлим.

Ахир менинг даргоҳимда шамга кун қолди-да? Қатор-қатор лампалар, ўзим Тошкентдан атай, сотиб олиб келган қирқинчи фанорлар қаёққа кетибди? Нега шам ёқасанлар? — Хўжайин, ўзингиз ҳам одамни жуда хит қилиб оёбор экансиз-да! Бутун бошлиқ ўлиқнинг арвоҳига шам ёқмай, лампа ёқиларми? Келган арвоҳ нининг шуъласи билан ўйнашади? Ахир косога сув қуйиб, устига олма шохи солиб қўйилди. Келган арвоҳ аввал шохга қўниб ўтиради. Бир нафас дамини ростлагандан кейин халиги шамнинг пирлириб турган шуъласи билан ўйнашади.

Менинг энтан-тентан сўзларимдан бой талмовсираб қолди. Гўё шу гапларни эшитганис келмагандай кўрқа-писа сўради: — Ким ўлди? — Шу ерда мен юзимга қалбаки қайғу чиқариб, хўнграб йўлга юбордим. — Кенжтой ўғлингиз Бўрибойвачча, теракка чиқиб, чумчуқ боласини оламан деб, йиқилиб тушибди, бир марта “да-да!” дедюди, “ғийк!” этиб жон берди.

Бу гапларимнинг кейинги жумлаларини бой-эшитдим, эшитмадим — билмайман, чой ичиб турган пиёласини боши-

га уриб, чаккасини ёрдию, соқолини юлиб, додлаб йиғламоқчи бошлади. Мен ҳам қўшилиб йиғлар эдим. — Бир нафас айхоҳансо солиб йиғлагандан кейин мен тўхтадим, бой ҳам тўхтади. Бойни юлатиш учун ўзимдан бир гап тўқишга киришдим: — Хўжайин, — дедим, — худо берардан қисмасин, хафа бўлманг, бордию ўғлингиз ўлиб, уйингизга ўт тушиб, отлар ўлган, ит нобуд бўлиб, пичоқ синган бўлса ҳаммасининг ўрнини босадиган бир хўшхабар бор. — Падарингга лавнат, қанақа хўшхабар? — Уртанча қизингиз Адол опам дунёга арзийдиган битта ўғилча турдилар.

— Ийя! — деди бой кўзларининг соқаси чикқудай. — Адол опанг ҳали эрга чикмаган-ку! — Биз ҳам шунисига хайронмиз-да, хўжайин. Худо берардан деса, эрга чикмаси ҳам берар экан. Болани айтинг-а, болани, хўжайин, Бадал аравакашингиз бор-ку, қуйиб қўйгандай ўшанинг ўзгираси!

Бой ортиқ чидаб туролмади. Ҳушидан кетиб йиқилди. Мен ҳам қамчи ўрнимдан ейдиган калтакни насия қилиб жўнаб қолдим.

## Ўғрилари тўғриллар

(Ҳажвия)

лари хизматда эмиш! Уйдаги жамки чироқлар, хатто даямоллар, ёз бўлса-да, электр печкаларига ёки қўйилганмиш. Қир машина-ю совитчулар ишлаб турганимиш. Аммо уларда ювиш учун кир ёки совитчу учун маллиқ йўқ эмиш! Челақларда, чойнақларда сувлар қайнаб ётганимиш. Лекин домланинг ўғли чўи дамлаш ўрнига, уларни тўкиб ташлаб, қайта совуқ сув қуйиб, яна тоққа улаб, қайнатиб билан овора эмиш. Электр ҳисоблагич эса, визиллаб ишлаётганимиш... Фақат тескарисига! — Олий маълумотли, тушунган одамнинг қилган ишини қаранглар-а! Беқорга домланинг айтганини қил, қилганини қилма, дейишмайди-да. Қип-қизил зарарқунда экан-ку!

— Хаммасини жаримага тортишибди. Баъзиларининг ишини судга оширадиш дейишди. Ту-

ман электртармоғида ишлайдиган битта-иккита чакон уртага тушиб, муросил-мадорга келтиришмоқчи бўлибди. Вақиллар «Бунақа бузғунчиликларнинг ўргатувчисини, раҳбари, раҳнамосини — сенсанлар! Сенларга аталган жазолашимиз ҳам бор!» дейишди уларни олдиларига солиб қувлашибди.

Одамлар тарқала бошлашди. Айниқас, «Муттаҳам! Уғри! Зарарқундан!» деб энг юқори парда-ларда хитоб қилганлар эса уларига чопилиб кетишди.

Ҳажвияга шу ерда нукта қўйдим. Аммо асосий хангома кейин бўлибди. Расул ака уни завқ-шавққа тўлиб ҳикоя қилиб берди.

— Менам, сен айтган хитобчилар сафида бўлсам-да, шум хабарни эшитганг, уйга қараб йўл олдим. Тўғри, ўғринча сизм ўтказмаганман, ҳисоблагични тескари айлантирадиган одатим ҳам йўқ. Электр пулини вақтида тўлайман дейман, аммо уч ойдан буён ишлаб қўйган ойлигимни ололмайман. Ҳисоблагич бўлса, бундан беҳабар ишлаб ётди. Буни текширувчиларга тушутириб бўлмасан. Нима қилиш керак? — Қарзингиз бор экан, пулини

тўлаб қўйинг!» деб келган инс-пекторга мослама қўйдириб олдим. Уни қўйсангиз, ҳисоблагич ишлашдан тўхтайдди, лекин чироқ ёниқ тураверади.

Кириб борсам ҳовлимда соқинлик: болалар мактабда, итим салқинда пинакка кетган, хотин сўрида хамир қорши билан банд. Шитоб билан бориб, электр ҳисоблагичдан мосламани олиб, чўнтакка яширдим-да, хотиннинг тепа-сида пайдо бўлдим.

— Хамирингни ичкарида қор! — дедим, у хамир юқи қўлингиз орқаси билан яганини қашлаб, савол назари билан қараганиди, давом этдим. — Вилотдан электр-ни текширгани келяпти экан. Қарзимиз кўп, чироқни узишади. Шунга, Одам атоси қақриб келса ҳам, овоз берма! Ҳеч ким йўқ экан дейишиб, уйга киришмайди.

Хотинбойнинг «бўпти-сидан қўнглим тўлиб, кўча томон юрдим. Дарвозадан шундай ўтганимни биларман-да, қўшининг уйдан чиқиб келаётган бегона икки йигитга қўзим тушди. Нима қилиш керак? Шарт ортимга ўтирдим: ўз дарвозамга юзма-юз қотдим. Ортимдан келаётган йигитларнинг қадам товушини

бир-икки сананган бўлдим-да, овозини баралла қўйиб, уйимни қақра кетдим: — Расулжон ака! Расулжон ака! Ийгитларнинг ортимда тургани сезиб, товушини кўтардим: — Расулжон ака-а! Хо-о-ов, Расулжон ака-а! — Овоз беришмайтими? — Ийгитларнинг папка қўлтўқлагани ёнимга ўтди.

— Уйда ҳеч ким йўқ шекилми, — жавоб қилдим пинак бузмай.

— Сал ичкарироққа кириб чақкириб кўрайлик, — иккинчи йигит дарвозадан хатламоқчи бўлди.

— Ҳай, ҳай, ҳай! Ити бор! — дедим унинг билгандан тутиб. Шу пайтда сўрининг тағида, салқингинада қўзилиб ётган Бўрибосаримнинг эшикдан чи-

қиб келишини, ё бир болагина «Вов!» деб қўйишини шундай истатадим, шундай истатадим, қўяверасиз! Отини айтиб қақрай деса, сир фох бўлиб, шарманда бўламан. Нима қилиш керак? Қалламдан айланай, дарров маъни-ли бир йўл-йўриқ ишлаб чикардим. Йигитни ортимга суриб, аввалига: — Ити эшакдай келади, кирсангиз ейди! — дедим. Сўнг дарвозага қараб, — Оти — Бўрибоса-а-а-а-а! — деб бақирдим.

Ийгитлар хийламини сезишди-микан, дедандим, йўқ. Эшикдан отилиб чиққан Бўрибосаржонимдан қочини бошлаб юборишди. Уларнинг орқасидан менам чопдим, ортимдан Бўрибосаржон! Хўжайин ўйнашиса келди деб ўйладим, иришлаб-иришлаб қолди, жонивор! Ўзим ҳам бир чопиш қилдим, йигитлар ортимда қолди. Шундай ўғрилсан, икковининг тили осилиб қолибди, аммо чопишдан заррача тўхтагани йўқ. Лекин чойхона олдида келганда, Бўрибосар йигитларни ҳам, мени ҳам қўйиб олдинга ўтиб кетса бўладими! Ийгитлар елкаларидан нафас олишиб, оғиз ва кўзларини бор бўйича очишганча жойларда қотиб қолишди. Бўрибосаргина эса, пойгада қолди қиққан соқовдай, думини лиқиллатганча атрофимда айлангани бошлади.

Санд АНВАР.

«Халқ сўзи»  
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир  
Аббосхон  
УСМОНОВ

Тажриб хайъати:  
Э. БОЛИЕВ  
(масъул котиб —  
«Халқ сўзи»),  
П. ДЮГАЙ,  
Ш. ЖАББОРОВ  
(бош муҳаррир Уринбо-  
сари — «Халқ сўзи»),  
Л. КУЧЕРЕНКО  
(масъул котиб —  
«Народное слово»),  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУҲИДИНОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
А. САИДОВ  
(бош муҳаррир Уринбо-  
сари — «Народное сло-  
во»),  
М. САФАРОВ,  
И. ЎТБОСАРОВ,  
А. ХАЙДАРОВ,  
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:  
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —  
133-57-34;  
133-78-92  
Иқтисодиёт —  
136-36-65;  
132-10-65  
Маънавият ва маърифат —  
136-35-60;  
Газетачилик билан алоқа  
ва мунтақалар —  
133-52-55;  
Фан, соғлиқни сақлаш,  
тағлим ва туризм —  
133-10-17;  
Янгиликлар ва  
халқаро ҳаёт —  
132-11-15;  
132-12-08  
Котибият —  
133-10-28;  
Эълонлар —  
136-09-25.

Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
001-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 968,  
22129 нусхала босилди,  
ҳажми — 2 табоқ.  
Қоғоз бичими А — 2.  
Офсет усулида  
босилган.

Газета тахририят  
компьютер базасида  
терияли ҳамда  
операторлар  
Ж. ТОҒАЕВ ва  
Б. ФАЙЗИЕВ  
томонидан  
сахифаланди.

Набатчи котиб —  
А. Орипов.  
Набатчи муҳаррир —  
Қ. Эшматов.  
Набатчи —  
М. Жонихонов.  
Мусаххач —  
М. Ёқубова.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми  
5 қоғоздан эъди  
материаллар қабул  
қилинмайди.  
□ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили:  
«Буёқ Турон»  
кўчаси, 41.

Босишга топшириш  
вақти — 21.30.  
Топшириш — 22.00.  
1 2 3 4 5